

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

ЖЎРАЕВ ДИЁР ТУРДИҚУЛОВИЧ

**ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ РЕСПУБЛИКА ЧЎЛ МИНТАҚАЛАРИ
ШАРОИТИДА АБИОТИК ОМИЛЛАРГА ЧИДАМЛИ, ҲОСИЛДОР
НАВ ВА БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАРНИ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2017

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences

Жўраев Диёр Турдиқулович

Юмшоқ буғдойнинг республика чўл минтақалари шароитида абиотик омилларга чидамли, ҳосилдор нав ва бошланғич манбаларни яратиш... 3

Жураев Диёр Турдикулович

Создание первичного материала и новых сортов мягкой пшеницы, устойчивой к абиотическим факторам внешней среды в условиях степных регионов республики..... 21

Juraev Diyor Turdikulovich

Creation of productive varieties resistant to abiotic factors and initial materials of bread wheat in conditions of desert regions of the republic 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

ЖЎРАЕВ ДИЁР ТУРДИҚУЛОВИЧ

**ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ РЕСПУБЛИКА ЧЎЛ МИНТАҚАЛАРИ
ШАРОИТИДА АБИОТИК ОМИЛЛАРГА ЧИДАМЛИ, ҲОСИЛДОР
НАВ ВА БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАРНИ ЯРАТИШ**

06.01.05-Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B20171.PHD/Qx19. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Аманов Амир қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Эргашев Иброҳим Тошкентович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич биология фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2, Тошкент давлат аграр университети, тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: tuag-info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (532906 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети.Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00).

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» сентябрь куни тарқатилди.
(2017 йил «31» 11/3-рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулайманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д, профессор

Я.Х.Юлдошов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.н., доцент

М.М.Адилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Буғдой (*Triticum aestivum* L.) дунё кишлок хўжалигида энг муҳим бошоқли дон экинларидан бири ҳисобланади. Дунё бўйича ҳар йили 704 миллион тонна дон ҳосили етиштирилади¹. Юмшоқ буғдой жами экин майдонларининг 17 фоизини эгаллайди². Кейинги йилларда ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши буғдойнинг морфологик, физиологик, биокимёвий ва молекуляр хоссалари ва дон ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунда юмшоқ буғдойнинг турли минтақалар шароитида абиотик омилларга чидамли, ҳосилдор нав ва бошланғич манбаларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда глобал иқлим ўзгариши натижасида ғалла етиштирувчи АҚШ Канада, Хитой, Ҳиндистон ва Россия каби мамлакатларда буғдойнинг турли абиотик омилларга чидамли навларини яратиш орқали дон ҳосилдорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бошоқли дон экинлари, жумладан юмшоқ буғдой ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш бугунги кундаги ғаллачиликнинг энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Буғдойзорларида баҳорнинг охириги ойлари ва ёз ойларида бир неча омиллар етиштирилаётган буғдой навларининг ўсишига, ривожланишига ҳамда ҳосилдорлигига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бунда ташқи стресс омилларга бардошли тезпишар, серҳосил, доннинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навларни яратиш ва дурагай тизмаларни баҳолаш бўйича илмий-тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин кишлок хўжалиги, жумладан ғаллачиликни ривожлантириш бўйича кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида қисқа муддат ичида ғалла мустақиллигига тўлиқ эришилди. Шу билан бирга, буғдойнинг турли абиотик омиллар, яъни қурғоқчилик, иссиқлик ва гармселга чидамли навлари селекцияси ишларини ривожлантириш борасида илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида «касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган кишлок хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада турли экологик-географик минтақалардан келтирилган нав ва намуналардан селекция жараёнида фойдаланган ҳолда республиканинг чўл минтақалари учун юмшоқ буғдойнинг абиотик омилларга чидамли навлари ва бошланғич манбаларини яратиш борасида илмий-тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ва «Уруғчилик тўғрисидаги»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси

¹Food and Agriculture Organization.2011. Statistics: FAOSTAT agriculture. from <http://fao.org/crop/statistics>.

²Gupta P.K., Mir R.R., Mohan A., Kumar J. Wheat genomics: present status and future prospects. Int. J. Plant Genomics, 2008; Article ID 896451, 36 pp.

Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур йўналишда дурагай авлодлар генотиби, хусусиятлари, қимматли-хўжалик белгилари бўйича танлаш ва дурагайлаш услуби самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилган. А. Удачин, И.Шоахмедов, Т.Ходжакулов, С.Ғайбуллаев, Н.Умиров, А.Аманов, Р.Сиддиқов, З.Зиядуллаев, Х.Атабоева, Х.Туракулов, Н.Умиров, С.Бабоев, С.Аликулов, О.Аманов, Рам Шарма ва бошқа олимлар томонидан бажарилган. Республикамизнинг кузги буғдой навларини абиотик ва биотик омилларга чидамлилигини аниқлаш, ота-она шакллари танлаш ҳамда чатиштириш янги навлар яратиш ва жорий этиш талаб этилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали илмий-тадқиқотлар режасининг ҚХА-10-147 «Республиканинг жанубий минтақасида суғориладиган ва лалмикор ерлари учун буғдойнинг қурғоқчилик, иссиқлик, касалликка чидамли ҳамда серхосил икки фаслли янги навларини яратиш ва юқори ҳосил берадиган самарадор агротехнологияларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.); ҚХА-8-033 «Ўзбекистонда кузги буғдойнинг иссиқлик, гармсел, занг касалликлари ва совуққа чидамли бўлган нав ва линияларини танлаш ҳамда улар асосида янги навлар яратиш» (2012-2014 йй.); ҚХА-8-034 «Республиканинг суғориладиган ва лалмикор ерлари учун қурғоқчилик, касалликлар, зараркунандаларга чидамли, ҳосилдор, дон сифати юқори бўлган юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг янги навларини яратиш» (2012-2014 йй.); ҚХА-8-081-2015 «Республиканинг суғориладиган ва лалмикор ерлари учун қурғоқчилик, касалликлар, зараркунандаларга чидамли, ҳосилдор, дон сифати юқори бўлган юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг янги навларини яратиш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли экологик-географик гуруҳларга мансуб нав ва намуналардан фойдаланган ҳолда республиканинг чўл минтақалари учун юмшоқ буғдойнинг абиотик омилларга чидамли янги навлари ва бошланғич манбаларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: турли экологик-географик гуруҳларга мансуб бўлган юмшоқ буғдой навларининг асосий биологик хусусиятлари ва ўсув даври фазаларини аниқлаш;

ҳосилдор, дон сифати юқори ва қурғоқчилик, иссиқликка, гармселга чидамли бўлган эртапишар юмшоқ буғдой навларини яратиш;

қимматли-хўжалик белгилари юқори бўлган иссиқлик таъсирига бардошли юмшоқ буғдой навларининг барг таркибидаги хлорофил ва яшил масса миқдорини аниқлаш;

тур ичида дурагайлаш, дурагайларда асосий белги ва хусусиятларнинг ирсийланиш даражасини аниқлаш;

оталик-оналик жуфтларини аниқлаш ҳамда дурагайлаш, олинган янги дурагайларни танлаш ва амалий селекция жараёнига тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли эколого-географик гуруҳларга мансуб бўлган жаҳон коллекцияси намуналари ҳамда районлашган юмшоқ буғдой навлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети ҳаво-ҳарорати, экиш муддатлари, ўсимликлар ўсиш-ривожланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари, абиотик омиллар, ётиб қолишга чидамлилик, ҳосилни шаклланиши, ҳосилдорлик ва доннинг сифат кўрсаткичлари, хлорофил ва яшиллик миқдори ва тупроқ шароитлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатув, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва лаборатория таҳлиллари «Умум қабул қилинган услубларда», биометрик таҳлиллар эса «Қишлоқ хўжалик экинларини нав синаш давлат комиссиясининг услуги» ҳамда олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили Б.А.Доспехов услуги бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:
чўл минтақалари шароитида жаҳон генофондида сақланаётган кузги юмшоқ буғдой навларининг қурғоқчиликка, иссиқликка, гармселга чидамлилик хусусиятлари аниқланган;

генетик келиб чиқиши узоқ бўлган маҳаллий ва хориждан келтирилган ота-она шаклларнинг танлаш, дурагайлаш, дурагай авлодларда қимматли-хўжалик белгиларини фенотипик юзага чиқиши ҳамда доминантлик, тўлиқ ирсийланиш коэффициенти аниқланган;

дурагайлаш асосида яратилган нав ва намуналар дон ҳосилдорлиги, дон сифати юқори ва турли ноқулай шароитларга чидамли бўлган комбинациялар ажратиб олинган;

юмшоқ буғдойнинг турли эколого-географик гуруҳларига мансуб дурагайларини яратишда ота-она жуфтларини ўзаро чатиштириб, қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларининг ирсийланиши аниқланган.

тур ичида чатиштириш орқали ноёб дурагайлар яратилган ва генетик белгилари ўзида мужассамлашган тизмалар ажратиб олинган;

қишлоқ хўжалиги учун қимматли белгиларга эга бўлган кузги юмшоқ буғдойнинг «Шамс» нави Давлат реестрига киритилган;

кузги юмшоқ буғдойнинг «Кеш-2016» ва «Шукрона» навлари Давлат нав синаш комиссияси синовида топширган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга

ишлов бериш, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши; тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги; илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда фойдаланилганлиги; тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги; диссертация иши натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юмшоқ буғдойнинг ҳар хил эколого-географик гуруҳларига баҳо бериш асосида эртапишар, юқори ҳосилдор, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари юқори бўлган ҳамда абиотик стрессларга чидамли нав ва намуналари танлаб олиниб, нав яратиш жараёнининг кейинги босқичларида бошланғич манба сифатида қўлланилишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юмшоқ буғдойнинг генофондидан комплекс белги ва хусусиятларга эга бўлган навларни қурғоқчилик, иссиқлик ва гармселга чидамлилигини ўрганиш натижасида ҳосилдорлиги ва дон сифати юқори бўлган нав ва намуналар танлаб олинган ҳамда мазкур навлар республикамизнинг суғориладиган майдонлари учун истиқболли навлар қаторига киритилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юмшоқ буғдой селекцияси ва уруғчилиги бўйича олиб борилган изланишлар натижалари асосида:

кузги юмшоқ буғдойнинг тур ичида дурагайлаш орқали яратилган ва генетик белгилари ўзида мужассамлашган «Шамс» нави 2017 йилдан истиқболли нав сифатида Давлат реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2017 йил 10 февралдаги 53/4-79-сон маълумотномаси). Иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамли кузги буғдойнинг «Шамс» навидан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг кўп тармоқли фермер хўжаликларида юқори ва сифатли дон ҳосили олинган; қишлоқ хўжалиги учун қимматли-хўжалик белгиларини намоён этган кузги юмшоқ буғдойнинг «Шамс», «Шукрона» ва «Кеш-2016» навлари яратилган ва фермер хўжаликларига экиш учун жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 20 октябрдаги 02/21-548-сон маълумотномаси). Ушбу навлардан андоза «Краснодар-99» навига нисбатан гектаридан ўртача мақбул муддатларда экилганда 11,0 центнер, кечки муддатларда экилганда эса 16,5 центнер қўшимча дон ҳосили олинган ва ҳар бир гектар ҳисобига 605,0-907,5 минг сўм шартли соф фойда олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ томонидан тузилган комиссия томонидан апробациядан ўтказилган. Тадқиқотлар натижалари 7 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бугдойнинг халқ хўжалигида аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича олиб борилган ва борилаётган тадқиқотлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Юмшоқ бугдойнинг абиотик омилларга, жумладан иссиқликка, қурғоқчиликка гармселга бардошлилик хусусиятларини ўрганиш бўйича дунё адабиётлари кенг таҳлил қилинган. Бугдойнинг иссиқликка чидаш қобилияти унинг таркибидаги намликнинг (сувнинг) кескин камайиб кетишига сабаб бўладиган омилларга қарши бардош бера олишига боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Юмшоқ бугдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва доннинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш бўйича бажарилган ишлар таҳлил қилиниб, ҳар бир белгининг аҳамияти, жаҳон коллекцияси намуналаридан Ўзбекистон шароитига мос, юқори ҳосилли намуналарни танлаш ва селекцияга татбиқ этишда бу белгилар ўрганиш зарурияти очиқ берилган.

Диссертациянинг **«Тажриба ўтказиш жойи, тупроқ иқлим шароитлари, бошланғич манбалар ва тадқиқот услублари»** деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари тупроқ ва иқлим шароитлари тадқиқот ўтказилган йиллар бўйича алоҳида маълумотлар келтирилган. Иқлим шароитларидан келиб чиқиб иссиқликка (оптимал ва кеч муддатларда) ва гармселга чидамлилик бўйича икки хил тупроқ-иқлим шароитлари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар баён этилган. Ҳаво ҳарорати бошоқлаш пишиш даврида кунлик ҳарорат ва жами ўсув давридаги ҳароратлар йилма-йил келтирилган.

Тажрибани жойлаштириш ва тажриба давомида фенологик кузатиш, ҳисоб ва таҳлиллар (Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик институти) услуби бўйича ва биометрик таҳлиллар Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш

комиссиясининг услублари бўйича олиб борилган. Юмшоқ буғдой нав ва намуналарининг лаборатория шароитида қурғоқчилик чидамлилиги Кожушко, методик қўлланмаси асосида аниқланган. Дуругайлаш Твелл услубида бажарилган. Устунлик даражаси (Нр) олинган дурагайларда ирсийланишнинг кўрсаткичлари, ҳосилдорлик элементлари бўйича аниқлашда F, Peter Frey формуласидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Юмшоқ буғдой нав ва намуналарининг иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамлилигини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида тажриба майдонида экилган нав ва намуналарнинг униб чиқишидан пишиб етилгунга қадар олинган фенологик кузатув натижалари таҳлил қилинган.

Тажрибада юмшоқ буғдойнинг ҳосил элементларига иссиқликнинг таъсирини ўрганиш бўйича жаҳон коллекцияси ва районлашган навлардан 105 та нав ва намуналар ажратиб олиниб, оптимал (эрта муддат) ва кеч муддатларда экилиб, гуллаш ва дон ривожланиш фазасида иссиқликнинг таъсирини илмий асослаш бўйича тадқиқот олиб борилган.

Тажрибанинг уч йиллик натижаларга кўра, ўрганилаётган нав ва намуналардан эртапишар, «униб чиқиш-бошоқлаш» даври оптимал муддатда 150-160 кун оралиғида бошоқлаш фазасига кирган нав ва намуналар сони 4 тани, 161-165 кун оралиғида бошоқлаш фазасига кирган нав ва намуналар сони 64 тани, нисбатан кечки бўлган ва 165 кундан юқори бошоқлаш фазасига кирган нав ва намуналар сони 37 тани, кечки муддатда «униб чиқиш-бошоқлаш» даври 120-125 кунлар оралиғида бошоқлаш фазасига кирган нав ва намуналар сони 4 тани, 126-130 кун оралиғида бошоқлаш фазасига кирган нав ва намуналар сони 66 тани, нисбатан кечки бўлган ва 130 кундан бошоқлаш фазасига кирган нав ва намуналар сони 35 тани ташкил этганлиги кузатилган.



1-расм. Нав ва намуналарнинг «униб чиқиш-бошоқлаш» даври

Илмий изланиш натижаларига кўра, «униб чиқиш бошоқлаш» даврининг қисқа бўлиши ҳосилдорлик ва 1000 та дон вазни юқори бўлишига ўз таъсирини кўрсатиши, эрта бошоқлаш фазасига кирган нав ва намуналарнинг

дон тўлишиш даври эрта бошланиши ҳисобига кучли иссиқлик бошлангунча дон мақбул муддатларда тўлишиб олиши аниқланган.



2-расм. Бошоқлаш-пишиш давридаги ҳаво-ҳарорати

Ўсув даври таҳлил қилинганда, ўсув даври эрта бўлган, оптимал муддатда Наврўз, КР11-105-59, Заррин, ва КР11-105-90 нав ва намуналари андоза Краснодар-99 навидан 3-4 кун эрта, кечки муддатда эса Наврўз, КР11-105-42, КР11-105-43, КР11-105-59, Заррин, Ғозғон, ва КР11-105-90 нав ва намуналари андоза навдан 4-6 кун эрта пишганлиги кузатилган. Қашқадарё вилоятининг иссиқ шароитида нав ва намуналарнинг бошоқлаш-пишиш даври оптимал муддатда экилган намуналарда 36-50 кунни ташкил этиб, бошоқлаш даври оптимал муддатда 16-апрелдан 3-майгача, кечки муддатда экилган намуналарда эса 28 апрел 15 май кунлари оралиғида ўтганлиги кузатилган.

Бошоқлаш даври кечки муддатда экилганда оптимал муддатда экилганга нисбатан 9 кундан кейин бошланиши ва «бошоқлаш-пишиш» давридаги ҳаво ҳароратининг кўтарилиб кетиши натижасида нав ҳосилдорлиги 15,3 ц/га, 1000 та дон вазни 8,5 гр га камайиб кетганлиги кузатилган.

Уч йиллик натижаларни таҳлил қилинганда қисқа «бошоқлаш-пишиш» даврига эга бўлган ва юқори ҳосил берган КР11-105-43, КР11-105-44, КР11-105-45, КР11-105-50, КР11-105-59, Ғозғон, Туркистон, КР11-105-42 нав ва намуналари танлаб олинган (1-жадвал).


Ўрганилаётган намуналарни ётиб қолишга чидамлилиги ўрганилганда калта пояли (76-90 см) нав ва намуналардан ётиб қолишга чидамликда 9-баллга эга бўлган намуналар 24 тани ташкил этганлиги кузатилган. Ўрта пояли (91-110 см) нав ва намуналардан ётиб қолишга чидамлилиги бўйича 9-баллга эга бўлганлари 68 тани, 7 баллга эга бўлганлари 3 тани, 5 баллга эга бўлгани 3 та, 3 баллга эга бўлгани 1 тани ташкил этганлиги кузатилган. Узун

пояли (110 дан юқори) нав ва намуналардан ётиб қолишга чидамлилиги бўйича 9-баллга эга бўлганлари 3 тани, 3 баллга эга бўлгани 1 та ва 1 баллга эга бўлгани 2 тани ташкил этганлиги кузатилган.

Нав ва намуналарни маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўрганилганда оптимал муддатда йиллар бўйича бир бошокдаги донлар сони андоза Краснодар-99 навида 50 донани ташкил этган бўлса, КР11-105-50 намунасида 73 та, кеч муддатда 56 та, КР11-105-43 намунасида 64 та, кеч муддатда 63 та, КР11-105-44 намунасида 69 та, кеч муддатда 61 та, Ғозгон навида 64 та, кеч муддатда 61 та, Туркистон навида 62 та, кеч муддатда 60 та дон ҳосил бўлганлиги қайд қилинган.

Ҳосилдорлик кўрсаткичларининг юқори бўлишида бошокдаги дон оғирлиги ҳам муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, ўтказилган тажрибаларда нав ва намуналарнинг бошокдаги дон оғирлиги йиллар давомида об-ҳаво шароитларига қараб ўзгариб борганлиги қайд қилинган.

Нав ва намуналарнинг оптимал муддатда бир бошок оғирликлари 2012 йилда 1.50 гр дан 3.34 гр, кеч муддатда 1.23-2.37 гр, 2013 йилда 1.37 гр дан 2.93 гр, кеч муддатда 1.07-2.57 гр, 2014 йилда бу кўрсаткич 1.03 гр дан 3.0 гр, кеч муддатда 0.93-2.37 гр.ни ташкил этди. Уч йиллик тажриба натижаларига кўра нав ва намуналарнинг бир бошок оғирликлари оптимал муддатда 1.61-3.01 гр, кеч муддатда 1.19-2.33 гр бўлганлиги кузатилган.



3-расм. Оптимал ва кечки муддатларда юқори ҳосил берган нав ва намуналар.

Илмий изланишнинг асосий мақсади нав ва намуналарнинг иссиқликка чидамлилигини аниқлаш учун оптимал ва кечки муддатда экиб ўрганилаётганда ҳосилдорлик кўрсаткичлари аниқлашдан иборат. Уч йиллик натижаларга кўра, андоза Краснодар-99 навининг ҳосилдорлиги 59,8 ц/га ни ташкил этган бўлса, КР11-105-43, Ғозгон, КР11-105-44, Жайхун, Туркистон, КР11-105-50, Дўстлик, КР11-105-50, Наврўз нав ва намуналари андоза навадан юқори ҳосил берганилиги ва кечки муддатда экилиб ўрганилганда ҳам юқори ҳосил бериши аниқланган (3 расм).

Оптимал муддатда экиб ўрганилган нав ва намуналарнинг 1000 та дон вазни 2012 йилда 32.14-52.01 гр, кечки муддатда экилганда эса 25,5-43,7 гр ёки оптимал муддатда экилгандагига нисбатан 6.6-8.3 граммга пасайиб борганлиги кузатилган. 2013-2014 йилларда ҳам юқоридаги тенденция сақланиб қолганлиги қайд қилинган. Ўртача 3 йиллик тажриба натижаларига кўра нав ва намуналарнинг 1000 та дон вазни оптимал муддатда экиб ўрганилганда, 32,15-46,16 гр, кечки муддатда экилганда эса 28,6-42,1 гр бўлганлиги қайд қилинган ёки нав ва намуналарнинг 1000 дон дон вазни орасидаги фарқ 3,5-4,0 граммга ўзгариб бориши қайд қилинган.

1-жадвал

Нав ва намуналарнинг оптимал ва кечки муддатларда 1000та дон вазни ва сифат кўрсаткичлари кўриниши.

№	Нав номи	Оптимал муддат			Кечки муддат		
		1000 та дон вазни, гр	Оқсил микдори, %	Клейко вина микдори, %	1000 та дон вазни, гр	Оқсил микдори, %	Клейко вина микдори, %
1	Матонат	40,6±2,3	13,9±0,9	25,7±2,5	39,9±1,3	12,6±0,9	24,3±0,8
2	KP11-105-11	44,5±3,7	15,5±1,3	30,4±2,7	39,7±1,5	14,2±0,2	28,3±0,3
3	Туркистон	41,9±1,2	15,6±0,8	30,6±1,2	37,0±5,3	14,2±0,1	28,5±0,1
4	Южная-12	43,4±1,7	16,2±0,7	29,2±3,0	38,6±3,2	13,9±0,4	24,2±1,6
5	Наврўз	40,7±2,5	14,9±0,6	30,6±0,7	39,9±0,8	14,2±0,3	27,9±1,5
6	KP11-105-42	44,3±2,9	14,7±0,8	26,7±2,8	36,6±4,4	13,5±0,3	25,1±2,5
7	KP11-105-43	45,5±1,9	15,6±0,7	30,5±0,8	41,2±0,6	14,5±0,2	28,9±0,5
8	KP11-105-44	44,6±4,4	15,1±2,3	27,5±0,6	38,6±1,7	14,2±0,1	26,0±3,1
9	KP11-105-45	44,3±1,8	13,3±0,5	27,0±1,0	37,7±4,0	12,4±0,4	25,8±0,3
10	KP11-105-50	40,5±3,2	14,5±1,3	29,6±0,8	39,3±3,5	14,0±0,1	27,0±1,7
11	KP11-105-59	41,3±1,8	14,0±0,2	28,6±1,5	37,3±3,0	12,9±0,3	26,1±2,6
12	Х. Башир	41,3±1,7	15,4±0,5	29,7±0,8	40,1±1,0	14,4±0,2	28,5±0,3
13	Заррин	43,2±0,2	15,1±1,3	29,3±1,1	39,9±0,0	14,3±0,2	28,2±0,4
14	Ғозгон	44,3±0,5	15,4±0,9	29,6±0,5	40,7±0,7	14,3±0,2	28,2±0,2
15	KP11-105-90	39,1±2,5	15,1±0,4	28,5±0,9	35,1±2,6	12,2±1,1	23,7±1,6
16	KP11-105-96	41,3±2,9	13,6±0,8	27,6±1,6	34,5±1,0	12,7±0,7	25,5±0,5
17	Бунёдкор	45,5±2,2	16,0±0,6	29,8±0,9	42,2±0,8	14,5±0,4	28,4±0,3
18	Фаровон	40,7±1,0	15,2±1,0	29,4±0,5	40,2±1,0	14,2±0,2	28,5±0,1
19	Барҳаёт	45,5±2,4	15,1±0,9	28,7±0,3	40,6±1,3	14,3±0,4	28,4±0,1
20	Краснодар-99	38,7±2,0	14,0±1,1	28,0±0,4	33,6±1,9	13,1±0,2	26,3±0,9


Нав ва намуналарни сифат кўрсаткичларидан оқсил ва клейковина микдори ўрганилган. Кечки муддатда нав ва намуналарнинг дон тўлишиш даври кучли иссиқлик шароитига тўғри келганлиги бунда аксарият навларнинг дон таркибидаги оқсил микдори пасайганлиги кузатилган бўлса, иссиқликка чидамли навларда оқсил микдори кескин пасайиб кетиши

кузатилмаган. Оптимал ва кечки муддатларда оқил миқдори юқори бўлган нав ва намуналар танлаб олинган.

Буғдой унининг нонбоплик хусусияти асосан клейковина миқдори ва сифати билан баҳоланади. Тажрибада иккала муддатда ҳам клейковина миқдори энг юқори кўрсаткич 2013 йилда кузатилган. Аксарият нав ва намуналарда клейковина бошоқлаш-пишиш давридаги иссиқлик таъсирида кескин пасайган бўлса, айрим нав намуналарда бир маромда бўлишлиги қайд қилинган. Клейковина миқдори уч йиллик натижаларга кўра ўртача оптимал муддатда 24,5-30,7 % гача, кеч муддатда 23,2-28,9 % гача бўлганлиги аниқланиб, клейковинанинг ИДК кўрсаткичи оптимал муддатда 68,0 дан 100,9 гача кеч муддатда 70,8-106,5 га тенг бўлганлиги қайд қилинган.

Ўсимлик баргидаги хлорофил миқдори органик моддалар ҳосил бўлишида муҳимдир. Тажрибадаги нав ва линиялар баргларидаги хлорофилл миқдори ўсув фазаларига ва ўсимлик баргларининг жойлашувига ҳам боғлиқлигини SPAD 502 хлорофиллметр ёрдамида аниқланган. Хлорофил миқдори нисбатан кам бўлган нав ва намуналар, 45,3 дан 50,8 гача 36 та эканлиги аниқланган. Хлорофил миқдори ўртача бўлган нав ва намуналар, 51,0-53,9 гача 45 та эканлиги аниқланган. Бундай нав ва намуналарда барг пластинкаси қалинлиги ўртача ва яшил тусда бўлса, хлорофил миқдори юқори бўлган нав ва намуналар, 54,2-56,8 гача 24 тани ташкил этиб, уларнинг барг пластинкаси қалин ва ранги тўқ яшил бўлиши аниқланган (4-расм).

Икки муддатда 3 ўлчов натижаларига кўра баргдаги хлорофил миқдорини яхши сақлаб қолган нав ва намуналар KP11-105-11, KP11-105-43, KP11-105-44, KP11-105-50, KP11-105-96, KP11-105-59 ва Ғозғон нав намуналари эканлиги аниқланган.



4-расм. Хлорофил миқдорини оптимал ва кеч муддатларда ўлчов натижаларида ўзгариши

GreenSeeker ускунаси ёрдамида оптимал ва кечки муддатларда ўрганилган нав ва линияларнинг яшиллик миқдори инфрақизил нурлар

ёрдамида ўлчанганда Наврўз, КР11-105-11, КР11-105-42, КР11-105-43, КР11-105-44, Южная-12, КР11-105-45, КР11-105-50, КР11-105-59, КР11-105-90, КР11-105-96, Ғозғон, Туркистон, Матонат ва Заррин нав ва намуналарида яшиллик миқдори юқори эканлиги ушбу нав ва намуналарнинг ҳосилдорлиги ҳам юқори бўлганлиги аниқланган.

Қурғоқчиликка қарши курашнинг муҳим тадбирларидан бири экинларнинг қурғоқчиликка чидамли навларини яратишдан иборат. Ҳозирги кундаги глобал муаммолардан ҳаво ҳароратининг ўзгариши юртимизда яратилиб етиштирилаётган буғдой навларининг иссиқлик билан бирга қурғоқчиликка ҳам чидамли навларни яратиш бугунги давр талабидир.

Тажрибаларда нав ва намуналарининг қурғоқчиликка чидамлилигини баҳолашда уруғларнинг саҳора эритмасида унувчанлигини Н.Н. Кожушко услубида аниқланган. Ўрганилаётган нав ва намуналардан 105 та нав ва намуналардан 21 таси қурғоқчиликка чидамсизлиги яъни, унувчанлиги 0-25 фоизгача, 20 та нав ва нав намуналари 26-50 фоизгача кучсиз чидамли, 43 та нав ва намуна ўртача чидамли яъни, унувчанлиги 51-75 фоиз, 21 та нав ва намуналарда 75 фоиздан юқори бўлиб, қурғоқчиликка чидамли эканлиги кузатилган.

Диссертациянинг «**Юмшоқ буғдой нав ва намуналарининг турли тупроқ-иклим шароитларида гармселга чидамлилигини ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобида, гармселга чидамлилик бу ўсимликларнинг ирсий белгиларидан ҳисобланиб, сув билан кам таъминланган шароитда ҳам ўсиш ва ривожланишини давом этдириб ҳосил бера олиш қобилияти, иссиқлик ўсимликларга кўп тамонлама таъсир қилиб, иссиқ ҳарорат таъсирида баргларнинг қовжираб қолишига ҳамда тўқима хужайраларининг сувсизланишига олиб келиши асосланган.

Тажрибалар Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги “Қўнғирот Алпомиш фермер хўжалиги” ва Сурхондарё Вилояти Термиз туманидаги “Сурхон ҳалқобод сардори” фермер хўжалиги танланган. Илмий тадқиқот ишлари 2012-2014 йилларда олиб борилган. Тажрибада 36 та нав ва намуналар 3 қайтариқда экиб ўрганилди. Андоза сифатида ушбу минтақаларда катта майдонга экиладиган Краснодар-99 нави танланган. Гармселга чидамлилик хусусиятларини янада аниқ ўрганиш мақсадида нав ва намуналарни ноябр ойида яъни кеч муддатларда экиш ишлари бажарилган. Кечки муддатда экилганда нав ва намуналарнинг бошоқлаш, гуллаш ва дон тўлишиш даврида гармсел шамолларга тўғри келади бу эса чидамлилик даражасини баҳолаш янада осон кечади.

Илмий тадқиқот изланишнинг 2014 йилги об-ҳаво маълумотларига қараганда, олдинги йилларга нисбатан ҳарорат ва гармсел юқори бўлган. Апрель ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб ҳарорат 30 °Сдан шамол тезлиги 8 м/с дан юқори бўлган ва бу ҳарорат пишиш фазасига қадар давом этган. Энг юқори ҳарорат 28 май куни 39 °С ва шамол тезлиги 8,3 м/с вужудга келган. Бу ўз навбатида нав ва намуналарнинг сут-мум пишиш фазасида, яъни 3-майдан 20-майга қадар ҳаво ҳароратининг 35-37 °С ва шамол тезлигининг 8.9-10.0 м/сек бўлиши ҳамда 27-28 май кунларида ҳаво

хароратининг 40⁰С га ва шамол тезлигининг 11.1 м/сек бўлиши гармселга чидамсиз навлар донининг вазни кичик бўлиб қолишига ўз таъсирини кўрсатганлиги кузатилган. Гармселга чидамли бўлган нав ва намуналарда 1000 та дон вазни юқори бўлганлиги пировард натижада чидамли нав ва намуналар танлаб олинишига ёрдам берди(2-жадвал).

2-жадвал

Нав ва намуналарнинг Миришкор ва Термиз туманларида қимматли хўжалик белгиларининг кўриниши.

№	Нав номи	Миришкор тумани				Термиз тумани			
		Униб чиқиш-пишиш даври, кун	Ҳосилдорлик, ц/га	1000 та дон вазни, гр	Оксил миқдори, %	Униб чиқиш-пишиш даври, кун	Ҳосилдорлик, ц/га	1000 та дон вазни, гр	Оксил миқдори, %
1	Краснодар-99 (ан)	210±2,5	46±2,3	36±0,6	13±0,7	214±3,3	50±4,6	34±1,6	13±0,3
4	Ҳ. Бешир	203±4,0	61±2,1	38±0,7	15±0,4	205±3,5	62±0,7	38±0,8	14±0,1
5	Ғозғон	207±3,3	62±0,6	40±0,6	14±0,2	211±2,8	65±0,5	40±0,6	15±0,2
6	КР11-36-6	207±4,3	66±1,5	41±0,7	15±0,3	207±2,8	67±0,4	42±0,4	15±0,2
10	КР11-36-10	207±5,0	63±2,0	39±1,6	14±0,5	209±2,8	62±1,8	37±1,7	14±0,2
20	КР11-36-20	207±4,3	63±2,1	41±0,7	14±0,2	211±3,7	65±1,5	41±0,5	14±0,4
21	КР11-36-21	209±3,3	59±2,2	40±0,7	14±0,4	211±3,2	61±0,9	40±1,0	14±0,4
36	КР11-36-36	205±4,5	66±0,9	42±0,3	14±0,5	208±2,8	68±1,5	41±0,6	14±0,1

Илмий изланиш давомида уч йиллик об-ҳаво ҳарорати ва иссиқ шамол гармсел, дон тўлиш даврида вақти-вақти билан кескин кўтарилиб турганлиги чўл минтақасида экилган нав ва линияларнинг ҳосилдорлик элементлари ва қимматли хўжалик белгиларига ўз таъсирини кўрсатган. Нав ва намуналарнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида бошоқ узунлиги, бир бошоқдаги дон сони ва оғирлиги каби белгилар Миришкор ва Термиз туманларида солиштирма холида ўрганилган. Ўртача уч йиллик кўрсаткичлар бўйича андоза Краснодар-99 навиға нисбатан донлар сони КР11-36-9, КР11-36-10 намуналарида 8 та, КР11-36-21, КР11-36-20 намуналарида 9-11 та, Ғозғон навида 12 та ва КР11-36-7, КР11-36-36 намуналарида 15 тадан дон юқори бўлган бўлса, дон оғирлиги юқоридагига мос равишда 0.7-1.0 гр гача юқори бўлиши қайд қилинган.

Доннинг сифат кўрсаткичлари сифатида дон таркибидаги клейковина кўрсаткичи бўйича нав ва намуналарда уч йиллик таҳлили натижалари ўрганилганда, ўртача клейковина кўрсаткичи андоза навиға нисбатан КР11-36-20, КР11-36-9, КР11-36-7, Ғозғон, КР11-36-7, КР11-36-12, КР11-36-10,

КР11-36 нав ва намуналарида дон таркибидаги клейковина кўрсаткичи анча юқори бўлганлиги аниқланган, иссиқ иқлимли шароитда ҳам клейковина миқдорини пасайтирмаслиги аниқланиб, кейинги босқичда чатиштириш ишларида донор сифатида қўллаш учун тавсия қилинган.

Ўрганилган юмшоқ буғдой навларидан андоза Краснодар-99 навидан Сурхондарё вилояти Термиз тумани шароитида КР11-36-20 (Кеш-2016) нави 15.9 ц/га, КР11-36-6 (Шукрона) нави 17.3 ц/га, КР11-36-36 (Шамс) нави 18.2 ц/га, Қашқадарё вилояти Миришкор тумани шароитида КР11-36-6 (Шукрона) нави 20 ц/га, КР11-36-36 (Шамс) нави 19.9 ц/га, КР11-36-20 (Кеш-2016) нави 17.5 ц/га юқори ҳосилдорликни кўрсатган. Тажрибада нав ва намуналарнинг Миришкор ва Термиз туманлари шароитида гармселга чидамлилигини баҳолаганда андоза Краснодар-99 навига нисбатан юқори ҳосилли, гармселга чидамли 10та нав ва намунада ҳосилдорлик андоза навга нисбатан 8.2-18.2 ц/га юқори ҳосил бериши аниқланган.

Тадқиқот натижаларига кўра, юқори ҳарорат ва баҳор ойларида тез-тез гармсел бўлиб турадиган шароитида энг юқори натижаларни кўрсатган КР11-36-36 (Шамс), КР11-36-6 (Шукрона) ва КР11-36-20 (Кеш-2016) навлари абиотик омиллар шароитга ўта чидамлилиги аниқланган ва Давлат нав синаш комиссиясига топширилган.

Диссертациянинг «**Юмшоқ буғдой навларида дурагайлаш ишлари ва қимматли-хўжалик белгилари бўйича ирсийланишини ўрганиш**» деб номланган бешинчи бобда 15 та комбинацияда ўтказилган дурагайлаш натижалари ва бунда ҳосилдорликни таъминловчи белгиларнинг кейинги авлодларда ирсийланиши гибридологик таҳлил қилинган.

Ўрганилаётган 15 та дурагай комбинациясининг биринчи авлодида дурагай линияларнинг ўсимлик бўйи ота ва она формасидан устун эканлиги аниқланган ва F_1 авлодда 14 та дурагай комбинациясида юқори доминантлик, 1 та комбинацияда қисман доминантлик кузатилган.

Биринчи авлодда дурагай авлодларнинг бўйи 84.7-121.3 смни, иккинчи авлодда дурагай авлодларнинг бўйи биринчи авлодга нисбатан пасайганлиги кузатилиб, 82.3-107.7 см ни, учинчи авлодда 77.4-99.2 смни, тўртинчи авлодда 79.6-102.1смни ташкил этди. Учинчи авлодда дурагай линияларни бўйи дастлабки бўғинларга нисбатан пасайганлиги кузатилган.

Дурагай комбинацияларда бошоқ узунлигининг ирсийланиши таҳлил қилинганда Энг юқори даминантлик KS00U755/TX98/D1170 x N-147 гибрид комбинациясида биринчи авлодда юқори даражада доминантлик $h_p=4.3$ кузатилди. Бошоқ узунлиги кўрсаткичига кўра танлаб олинган дурагай линиялари селекция ишларига тавсия қилинган. 1000 та дон вазни доннинг йириклиги ва тўлаллигини билдирадиган кўрсаткичдир.

Бу наводорлик белгиси бўлиб, шунинг билан биргаликда кучли даражада тўлишиш давридаги иқлим шароитга боғлиқдир. Буғдой донининг катталиги ўсиш даврининг давомийлиги хусусан, бошоқлаш, пишиб етилишнинг узок давом этишига боғлиқ бўлиши илмий тарзда аниқланган.

Бир бошоқдаги дон сонининг ирсийланиши гибридологик таҳлил қилинганда биринчи авлодда дурагай комбинацияларидан 11 тасида юқори

даражада доминантлик ҳолати кузатилган, 4 та дурагай комбинациясида қисман доминантлик ҳолати борлиги қайд этилган. Аксарият дурагай авлодларда гетерозис ҳолати кузатилиб, бошоқдаги донлар сони юқори бўлганлиги кузатилган бўлса, иккинчи авлодда бошоқдаги донлар сони 45-58 та, учинчи авлодда 41-55 та, тўртинчи авлодда 42-56 тани ташкил этганлиги қайд этилган. 3-жадвалда дурагай комбинацияларида 1000 дона дон вазнининг ирсийланиши келтирилган.

3-жадвал

F₁- F₂- F₃- F₄ авлодларида 1000 дона дон вазнининг ирсийланиши.

№	Комбинацияларноми	Оналик шакл	Оталик шакл	1000 дона дон вазни, гр					
				F ₁	(hp)	F ₂	χ^2	F ₃	F ₄
1	ST.ERYHTR xAlvd//Ald/37/4/ Zarrin 77	37,8	42,5	39,3	-0,35	40,4	0,5	39,8	41,2
2	Juvan x Краснадар-99	39,2	40,9	41,3	1,44	42,5	0,9	39,9	38,6
3	MIT/TX93V5722//W95-301 x Жайхун	44,4	32,5	50,6	2,05	43,4	1,9	39,2	40,9
4	F02065G5-21X Яксарт	36,1	36,1	38,4	91,8	37,8	0,2	36,1	38,9
5	N-158 x Alvd//Aldan/Ias58/37/4/ Zarrin 77	45,5	45,2	48,5	26,4	47,6	0,1	46,3	45,3
6	Yonbosh x MV17-3/CROS- 1SQUARROS	41,2	39,6	44,5	5,2	45	0,2	44,1	45,6
7	Alvd//Aldan/Ias58/37/4/Zarrin x Vita	45,3	47,5	50,1	3,28	48	1,9	47,8	46,5
8	ATTILA/3/AGRI/NAC xAlvd//AlZarrin77	33,2	38,1	39,1	1,41	33,3	2,8	27,1	29,6
9	Selyanka x Alvd//Aldan/Ias58/3/ Zarrin78	40,9	41,5	46,4	16,3	43,9	1,3	42,3	40,3
10	Turkiston x Alvd//Aldan/Ias58/3/ Zarrin 78	42,4	41,4	47,6	11,3	45,8	0,9	43,8	44,1
11	Vita x N-158	42,1	39,1	48,2	5,11	40,9	0,5	37,2	39,7
12	Marvdasht/Soissons//Alvand x X.Бешир	40,8	39,8	40,5	0,4	39,6	1,3	38,4	38,5
13	KS00U755/TX98/D1170 x N-147	42,5	42,7	46,4	42,4	47,4	0,1	41,7	42,4
14	N-118 x ZARRIN	42,3	34,5	49,7	2,89	43,8	0,5	43,4	42,5
15	Alvd//Aldan/Ias58/3/Zarrin 78 x Omad	42	37,7	45,4	2,59	44,3	0,9	41,3	43,2

Биринчи авлодда дурагай комбинацияларидан 13 тасида юқори даражада доминантлик ҳолати кузатилган бўлса, 1 та дурагай комбинациясида қисман доминантлик кузатилган, 1 та дурагай комбинацияларида салбий доминантлик ҳолати борлиги қайд этилган. Биринчи авлодда дурагай авлодларнинг 1000 та дон вазни 38.39-50.58 г бўлганлиги қайд этилди. Иккинчи авлодда 1000 та дон вазни 33.33-48 г, учинчи авлодда 27.13-47.8 г, тўртинчи авлодда 29.65-46.51 г ни ташкил этганлиги қайд этилди. Биринчи авлодда 1000 та дон вазни юқори бўлган 12 та авлодлардан танлаш ўтказилди ва энг ноёб дурагайлар селекциянинг кейинги босқичига ўтказилди. Тадқиқот натижаларига кўра, маҳсулдорлик

кўрсаткичлари юқори бўлган дурагай линиялар ажратиб олинган ва селекция ишларига жалб этилган.

Юмшоқ буғдойнинг F₄ дурагай кўчатзорида 15 та комбинацияда чатиштирилган навларнинг авлодлари 5 м² майдонга экилиб ўрганилган. Дурагай популяциялари орасидан қимматли хўжалик биологик ва ташқи агрономик белгиларига қараб танлаш ишлари олиб борилган.

Юмшоқ буғдойнинг F₅ дурагайлари селекция кўчатзоридаги 300 та дурагай тизмалардан 85 та дурагай танлаб олинган ва янги дурагай тизмалар яратилган. Дурагай авлодларнинг биометрик ва морфологик белги кўрсаткичларига кўра танланган тизмаларни суғориладиган ва лалмикор майдонларда экиш учун тавсия этилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Қисқа «униб чиқиш-бошоқлаш» даври иссиқликка чидамлилиқ хусусиятларидан бири эканлиги аниқланди. Оптимал ва кечки муддатларда энг қисқа «униб чиқиш-бошоқлаш» даврига эга бўлган 19 та нав ва намуналар танлаб олинди.

2. Андоза Краснодар-99 навининг бошоқлаш даври кечки муддатда экилганда оптимал муддатда экилганга нисбатан 9 кун кейин бошланди ва «бошоқлаш-пишиш» давридаги ҳаво ҳароратининг кўтарилиб кетиши натижасида нав ҳосилдорлиги 15,3 ц/га, 1000 та дон вазни 8,5 гр га камайиб кетганлиги кузатилди. Айниқса иссиқликка чидамсиз нав ва намуналарда ҳосилдорлик, 1000 та дон вазни ва бошқа кўрсаткичлари кескин пасайиб кетганлиги аниқланди.

3. Иссиқликнинг «бошоқлаш-пишиш» даврида ҳосилдорлик ва 1000 та дон сифат кўрсаткичлари аниқланганда 3 йиллик тажриба натижаларига кўра, КР11-105-44, Ғозғон, КР11-105-43, КР11-105-50, КР11-105-99, КР11-105-44, КР11-105-11, КР11-105-50, Наврўз каби нав ва намуналар иссиқликка чидамлилиги боис юқори маҳсулдорликка чидамли эканлиги аниқланди.

4. Буғдой ҳосилини камайиш сабабларидан бири буғдой кеч экиш муддатларида экилганда, ҳаво ҳарорати анча паст бўлиб, етарли миқдорда ҳарорат ололмаганлиги сабабли ривожланиш фазалари кечикади. Натижада баҳор ойларида бўладиган кучли иссиқлик таъсирида ҳосилдорлик ва минг дон дон вазни камайиб кетиши кузатилди.

5. Оптимал ва кечки муддатларда экилиб ўрганилган нав ва намуналарнинг ҳосилдорлик кўрсаткичларига кўра, андоза Краснодар-99 нави оптимал муддатда 59.8 ц/га, кечки муддатда 40.0 ц/га ҳосил олинди, андоза навга нисбатан КР11-105-43 (Шамс) нави оптимал муддатда 19.8 ц/га, кечки муддатда 23.9 ц/га, КР11-105-44 (Шукрона) нави оптимал муддатда 5,1 ц/га, кечки муддатда 12,0 ц/га, КР11-105-50 (Кеш-2016) нави оптимал муддатда 8,2 ц/га, кечки муддатда 13,7 ц/га юқори ҳосил олинди, иссиқ шароитда нав ҳосилдорлиги ва 1000 та дон вазни юқори бўлганлиги аниқланди ва иссиқликка чидамли деб топилди.

6. Гармселга чидамли навларни танлашда ўрганилган юмшоқ буғдой

навларидан Сурхондарё вилояти Термез тумани шароитида андоза Краснодар-99 навидан юқори ҳосилдорликка эга бўлган КР11-36-20 (Кеш-2016) нави 15.9 ц/га, КР11-36-6 (Шукрона) нави 17.3 ц/га, КР11-36-36 (Шамс) нави 18.2 ц/га, Қашқадарё вилояти Миришкор тумани шароитида КР11-36-6 (Шукрона) нави 20 ц/га, КР11-36-36 (Шамс) нави 19.9 ц/га, КР11-36-20 (Кеш-2016) нави 17.5 ц/га навлар Республикамизнинг иссиқ ва гармселлар бўлиб турадиган минтақаларида кенг майдонларга экиш тавсия этилди.

7. Тадқиқот натижаларига кўра, иссиқлик, қурғоқчилик ва гармсел шароитларида юқори натижаларни кўрсатган Шамс, Шукрона ва Кеш-2016 навлари янги нав сифатида Давлат нав синаш комиссиясига топширилди. Ушбу янги яратилган навлар Республикамизнинг иссиқ минтақаларида экиш ва кенг майдонларда кўпайтириш учун ишлаб чиқариш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

**КАШКАДАРЬИНСКИЙ ФИЛИАЛ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ИНСТИТУТА ЗЕРНОВЫХ И БОБОВЫХ
КУЛЬТУР**

ЖУРАЕВ ДИЁР ТУРДИКУЛОВИЧ

**СОЗДАНИЕ ПЕРВИЧНОГО МАТЕРИАЛА И НОВЫХ СОРТОВ
МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ, УСТОЙЧИВОЙ К АБИОТИЧЕСКИМ
ФАКТОРОМ ВНЕШНЕЙ СРЕДЫ В УСЛОВИЯХ СТЕПНЫХ
РЕГИОНОВ РЕСПУБЛИКИ**

06.01.05 – Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ (PhD)**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.PhD/Qx19.

Диссертация выполнена в Кашкадарьинском филиале научно-исследовательского института зерновых и бобовых культур.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.agrar.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:	Аманов Амир доктор сельскохозяйственных наук,
Официальные оппоненты:	Эргашев Ибрахим Ташкентович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич доктор биологических наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Научно-исследовательском институте селекция, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка

Защита состоится «__» _____ 2017 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 260-48-00, факс: 260-38-60, e-mail: tuag-info@edu.uz).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за № 532906). 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 260-50-43, факс: (99871) 260-48-00.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки № 11/3 от «31» октябрь 2017 года).

Б.А.Сулаймонов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

Я.Х.Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н.

М.М.Адилов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Пшеница (*Triticum aestivum* L.) является одной из самых значимых культур в мировом сельском хозяйстве. Ежегодно в мире выращивается 704 миллион тонн³. Мягкая пшеница занимает 17 процентов от общей посевной площади⁴. В последние годы резкое изменение климата отрицательно влияет на морфологические, физиологические, биохимические и молекулярные особенности и урожай зерна пшеницы. В этой связи, создание урожайных, устойчивых к абиотическим факторам сортов и первичного материала мягкой пшеницы в условиях различных регионов имеет большое значение.

В результате глобального изменения климата в мире уделяется особое внимание повышению урожайности зерна посредством создания сортов пшеницы, устойчивых к различным абиотическим факторам в таких странах как США, Канада, Китай, Индия, Россия и др. Одной из наиболее значимых задач зерноводства, в обеспечении продовольственной безопасности, является повышение урожайности и качества продукции зерно-колосовых культур, в том числе мягкой пшеницы. На площадях возделывания пшеницы в последние месяцы весны, а также летние месяцы несколько неблагоприятных факторов влияют на рост, развитие и урожайность сортов. В этой связи, научные исследования в области создания скороспелых, урожайных, с высоким качеством зерна сортов, устойчивых к внешним стрессовым факторам, а также оценка гибридных линий являются актуальными на сегодняшний день.

После обретения Узбекистаном независимости были проведены широкомасштабные мероприятия по развитию сельского хозяйства, в частности зерноводства. В результате этого в сжатые сроки была достигнута зерновая независимость. Вместе с тем, необходимо уделить особое внимание научным исследованиям в области развития работ по созданию сортов, устойчивых к различным абиотическим факторам, т.е. засухе, высокой температуре и гармселю. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан было отмечено, что «необходимо создание и внедрение в производство устойчивых к болезням и вредителям, приспособленных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур». В этой связи, научные исследования в области создания сортов и первичного материала мягкой пшеницы, устойчивого к абиотическим факторам для пустынных регионов республики на основе использования в селекционном процессе сортов и образцов из различных эколого-географических зон являются актуальным.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в Законами Республики Узбекистан

³Food and Agriculture Organization.2011. Statistics: FAOSTAT agriculture. from <http://fao.org/crop/statistics>.

⁴Gupta P.K., Mir R.R., Mohan A., Kumar J. Wheat genomics: present status and future prospects. Int. J. Plant Genomics, 2008; Article ID 896451, 36 pp.

«О селекционных достижениях» и «О семеноводстве», намеченных Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-2460 от 29 декабря 2015 года «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства на период 2016-2020 годов», а также других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В данном направлении были проведены широкомасштабные работы по повышению эффективности методов отбора по генотипу, свойствам, хозяйственно-ценным признакам гибридного потомства и гибридизации. А.Удачин, И.Шоахмедов, Т.Ходжакулов, С.Гайбуллаев, Н.Умиров, А.Аманов, Р.Сиддиков, З.Зиядуллаев, Х.Атабаева, Х.Туракулов, Н.Умиров, С.Бобоев, С.Аликулов, О.Аманов, Рам Шарма и другими учёными были проведены научные исследования по изучению устойчивости сортов озимой пшеницы республики к абиотическим и биотическим факторам, созданию новых сортов, подбору и скрещиванию родительских форм.

